



"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Хоразм вилояти ҳокими Уриёнбосари
Б. Курбанов
2022 йил.

Курилиши, маҳаллий бюджет ва унинг қўшимча манбалари ҳисобига амалга ошириладиган ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларининг 2022 йил МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 апрелдаги ПФ-106 фармони)

(млн.сўм, жорий нарҳда)

Т/Р	Объектлар номи ва манзили	Курилиш бошланиши ва фойдаланишига топшириш йили	Лойиҳа қуввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари *	01.01.22 й., ҳолатига объектнинг молиялаштириш қолдиги жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйимлар лимити					2022 йилда фойдаланишига топширилмаган		01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиги жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Экспертиза хулосаси рақами ва санаси	Тендер (танлов)лар натижасига бўйича баённома рақами ва санаси	Курилиш пудрат ташкилот номи
								Жами капитал қўйимлар	Курилиш - монтаж ишлари	Жихоз	Буюртмачи бошқа харажатлари		Муддат/ қувват	Асосий фонд суммаси					
											Жами	жумладан, саклаш харажатлари							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
Реконструкция																			
1	Урганч шаҳар 1-сон ихтисослаштирилган мактаб-интернати (Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали академик лицейи)	2022 йил	объект					60,430			60,430								Тендер савдолари орқали аниқланади
2	Хива шаҳар 2-сон ихтисослаштирилган мактаби (Хива шаҳар касб-хунарга ўқитиш маркази)	2022 йил	объект					31,380			31,380								Тендер савдолари орқали аниқланади
3	Богот туман ихтисослаштирилган мактаби (46-сон умумий ўрта таълим мактаби)	2022 йил	объект					31,180			31,180								Тендер савдолари орқали аниқланади
4	Хонқа туман ихтисослаштирилган мактаби (7-сон айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб)	2022 йил	объект					31,180			31,180								Тендер савдолари орқали аниқланади
5	Ҳазорасп туман ихтисослаштирилган мактаби (1-сон айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати)	2022 йил	объект					23,030			23,030								Тендер савдолари орқали аниқланади
6	Янгиариқ туман ихтисослаштирилган мактаби (11-сон айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати)	2022 йил	объект					17,030			17,030								Тендер савдолари орқали аниқланади
7	Янгибозор туман ихтисослаштирилган мактаби (10-сон айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати)	2022 йил	объект					17,030			17,030								Тендер савдолари орқали аниқланади
8	Кўшқўпир туман ихтисослаштирилган мактаби (8-сон умумий ўрта таълим мактаби)	2022 йил	объект					52,030			52,030								Тендер савдолари орқали аниқланади
9	Тупроққалъа туман ихтисослаштирилган мактаби (5-сон умумий ўрта таълим мактаби)	2022 йил	объект					29,780			29,780								Тендер савдолари орқали аниқланади
10	Хива шаҳар 1-сон ихтисослаштирилган мактаб-интернати (Болалар шаҳарчаси)	2022 йил	объект					44,030			44,030								Тендер савдолари орқали аниқланади
10	Ҳаммаси: компания бўйича							337,100	0,000	0,000	337,100	0,000							

Изоҳ: Объектларнинг умумий қиймати ва буюртмачининг қўшимча харажатлари давлат экспертиза хулосаси олингандан сўнг аниқлаштирилади. Хоразм вилояти ҳокимининг 2022 йил 24 апрелдаги 336/12-қароридан сўнг фойдаланишига асосан 337,1 млн.сўм маблағ ажратилган

"Киритилди"
Хоразм вилояти ҳокимлигининг "Ягона таъмирлаш ва қуриш инжиниринг" компанияси директори

Ш.Ф.Севе
(Ф.И.О.)
2022 йил "24" 06



"Келишилди"
Хоразм вилояти қўли бош бошқармаси бошлиғи
(Ф.И.О.)

Kelgusida «Buyurtmachi» deb nomlanuvchi Xorazm viloyat hokimligi «Yagona buyurtmachi xizmati» injiniring kompaniyasi nomidan Nizom asosida ish yurituvchi direktor SH.Otaev bir tomondan, kelgusida «Loyihachi» «MUBORAK DIANA SERVIS» XK nomidan ish yurituvchi direktor M.Akimova ikkinchi tomondan Tuproqqal'a tuman ixtisoslashtirilgan maktabi (5-son umumiy o'rta ta'lim maktabini rekonstruksiya qilish) ob'ektini Loyiha-qidiruv ishlarini ishlab chiqarish yuritishga doir ushbu shartnomani tuzdilar.

1. Shartnomaning mazmuni

1.1. Loyihachi Buyurtmachining Loyihalash topshirig'i bo'yicha ishchi Loyiha-qidiruv ishlarini (LQI)ni ishlab chiqish majburiyatini oladi.

1.2. Buyurtmachi Loyiha-qidiruv ishlarini bajarish uchun topshiriq berish, zarur bo'ladigan boshlang'ich ma'lumotlarni berish, bajarilgan ishlarni qabul qilib olish, belgilangan tartibda va miqdorda xaqini to'lash majburiyatini oladi.

1.3. Loyihachi ko'rsatib o'tilgan ishlarni «Korxonalar, bino va inshootlari Loyiha-qidiruv ishlari tarkibi, ishlab chiqish tartibi va tasdiqlash» xaqidagi 1.03.01-03 SHNQ qoida va qo'llanmalari va mazkur Shartnomaning xujjatlariga asoslanib bajaradi va tugallaydi.

1.4. Loyihachi ushbu LQI bo'yicha barpo etilayotgan ob'ekt to'liq qurilib, foydalanishga topshirilib, kafolat muddati tugaguncha SHNQ 1.03.07-2010 talablari asosida mualliflik nazoratini olib borish majburiyatini oladi.

1.5. «Loyihachi» mazkur ishlarni bajarishga Shartnoma imzolangan kundan boshlab kirishadi.

2. Ishlarni bajarish muddati

2.1 Mazkur Shartnomada LQI ni tayyorlash muddati, 2022 yil 05 Iyuldagi №31619-sonli bayonnomasiga asosan, ishlar boshlangan kundan boshlab 10 kal.kun etib belgilanadi.

2.2 Buyurtmachi tomonidan topshiriq, birlamchi ma'lumotlarni berish va Loyihachi tomonidan Buyurtmachining topshirig'i bo'yicha ishchi LQI ishlab chiqish, amaldagi tartib qoidalar bo'yicha topshirish muddatlarini tomonlar kalendar jadvalda belgilaydilar va u Shartnomaning ajratilmas qismi xisoblanadi.

2.3 Loyihachi Shartnomani 2.1 bandida kursatilgan muddatida Loyiha-qidiruv (LQI) ishlarini to'liq yakunlab buyurtmachiga taqdim qilmasa Shartnomani bekor qilish uchun asos bo'ladi.

3. Shartnoma baxosi.

3.1 Mazkur Shartnoma bo'yicha Loyihachi tomonidan bajarilgan tanlov natijasida aniqlangan va tanlov komissiyasining qarori 2022 yil 05 Iyuldagi №31619-sonli bayonnomasiga asosan bilan tasdiqlangan ishlar qiymati barcha soliqlar, yig'img'lar va ajratmalarini o'z ichiga olgan holda QQS bilan joriy narxlarda 21 700 000 so'mni tashkil qiladi.

4. To'lov shartlari.

4.1 Shartnomada milliy valyuta «so'mda» o'zaro xisob-kitob qilinishi belgilanadi, to'lovlar to'g'ridan-to'g'ri Loyihachi xisob raqamiga pul o'tkazish orqali amalga oshiriladi.

4.2. Mazkur Shartnoma bo'yicha maqsadli avans, ishlar umumiy qiymatining 15 foizini tashkil qiladi.

4.3. Buyurtmachi mazkur Shartnomada belgilangan ishlar to'ralig'icha bajarilib, xajmi, sifati va Loyihachining xisoboti tekshirilib, Davlat ekspertizalaridan o'tkazilib, aniqlangan kamchilik va xatolar, bildirilgan e'tirozlar bartaraf qilinib ijobiy xulosalar olingandan keyin Shartnoma qiymati doirasida ilgari berilgan avansni xisobga olgan holda yakuniy to'lovni ya'ni kolgan 85 foizini amalga oshiradi.

5. Tomonlarning huquq va majburiyatlari.

Loyihachining majburiyatlari:

5.1. Loyihalash xaqidagi topshiriqqa va boshqa boshlang'ich ma'lumotlarga muvofiq ishlarni bajarish va natijasini Shartnomada belgilangan muddatda Buyurtmachiga topshirish majburiyatlarini oladi.

5.2 Tayyor bo'lgan LQI xujjatlarini Buyurtmachi bilan birgalikda foydalanish tashkilotlari (elektr tarmoqlari korxonasi, vodokanal, raygaz, yong'in xavfsizligi nazorati), tegishli davlat organlari va fuqarolarning o'zini-o'zi boshqarish organlari bilan kelishib olish.

5.3 Buyurtmachining roziligisiz LQI xujjatlarini uchinchi shaxslarga bermaslik.

5.4 Ishlab chiqilgan LQI xujjatlari asosida quriladigan ob'ektning kurilishi boshlanishidan kurilishi tugallanib foydalanishga topshirilgandan keyin kafolat muddati tugaguncha qadar to'ralig'icha, mualliflik nazoratini olib borish majburiyatini oladi. Ushbu grafik Buyurtmachiga Loyihachi tomonidan ishlar boshlangan kuni taqdim qilinadi. Loyihachi qurilish maydonida ko'rinmas ishlar (скрытые работы) bajarilayotgan paytda qatnashishni kafolatlaydi.

Ushbu ko'rinmas ishlar ro'yxati amaldagi me'riy xujjatlarga asosan ishchi Loyihada ko'rsatilishi shart.

5.5 Buyurtmachi bilan birgalikda ishlab chiqilgan LQI ni Davlat va ekologik ekspertizalardan o'tkazish, ularning qayd qilgan xato va kamchiliklarini, bildirgan e'tirozlarini beg'araz bartaraf qilish majburiyatini oladi.

5.6 Buyurtmachi tomonidan taqdim qilingan dastlabki va birlamchi ma'lumotlarni, muxandislik qidiruv xulosalarini, Buyurtmachining roziligisiz uchinchi shaxslarga bermaslik va ulardagi ma'lumotlarni oshkor qilmaslik, ulardan faqat ushbu Shartnomadagi predmetda foydalanish majburiyatini oladi.

5.7 Loyihachi atrof muxitga ta'siri tugrisidagi Loyihagini ishlashni (Zvos) majburiyatini oladi.

5.8 Loyihachi davlat ekologik ekspertiza xulosasini olib Buyurtmachiga taqdim qilish majburiyatini oladi.

5.9 Loyihachi, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 10 dekabrda PQ-43-sonli va 2022 yil 22 yanvardagi PQ-98-sonli hamda Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 20 maydagi 321-son qarorlarini so'zsiz bajarish majburiyatini oladi.

5.10 Loyihachi, Buyurtmachi tashkilotiga har bir obyekt bo'yicha Mualliflik nazoratini yuritishga mas'ul qilib belgilab hujjatlarini berish (Mas'ul shaxsning diplom, passport, buyruq, o'qiganligi tog'risida sertifikatlarini nusxalarini topshirish) majburiyatini oladi.

Buyurtmachining majburiyati:

5.11. Loyihachidan olingan LQI xujjatlaridan faqat mazkur Shartnomada nazarda tutilgan maqsadlar uchun foydalanish, LQI xujjatlarini Loyihachining roziligisiz uchinchi shaxslarga bermaslik va ulardagi ma'lumotlarni oshkor qilmaslik.

5.12. Shartnomada belgilangan miqdorda va muddatda Shartnomani 1.1-bandida nazarda tutilgan ishlarni qabul qilib olish va bajarganlik uchun Loyihachiga xaq to'lash.

5.13. Loyihachiga Loyiha ishlarini bajarishda ushbu Shartnomada nazarda tutilgan xajmda va shartlarda xizmat ko'rsatish.

5.14. Tayyor bo'lgan LQI xujjatlarini tegishli davlat organlari va fuqarolarning o'zini - o'zi boshqarish organlari bilan kelishib olishda Loyihachi bilan birga qatnashish.

5.15. Loyihachiga bog'liq bo'lmagan xolatlar sababli Loyiha ishlarini bajarish uchun boshlang'ich ma'lumotlar o'zgarishi bilan bog'liq qo'shimcha xarajatlarni Loyihachiga to'lash.

5.16. Tayyorlangan LQI xujjatlarining kamchiliklari borligi munosabati bilan uchinchi shaxs tomonidan Buyurtmachiga nisbatan qo'zg'atilgan da'vo yuzasidan ishga qatnashishga Loyihachini jalb qilish.

5.17. Loyihachining xuquqlari:

- LQI xujjatlarini ishlab chiqish jarayonida zarurat bo'lsa ayrim maxsus qismlarini bajarish uchun yordamchi (subpodryadchiklarni) jalb qilishga xaqlidir.

6. Ishlarni topshirish va qabul qilish tartibi

6.1. Bajarilgan ishlarni baxolash va qabul qilib olish texnik topshiriq talablari asosida kalendar jadval bo'yicha amalga oshiriladi.

6.2. Loyihachi tomonidan topshiriladigan va rasmiylashtiriladigan xujjatlar ruyxati texnik topshiriqda aniklanadi.

6.3. Loyihachi ishlarni bajarib bo'lgach, Buyurtmachiga texnik topshiriqda ko'rsatilganidek topshirish - qabul qilish dalolatnomasi bilan birgalikda ilova qilib bitta elektron variant va 3ta nusxada xujjatlar komplektini xisobot bilan taqdim etadi.

6.4. Buyurtmachi mazkur Shartnomada ko'rsatilganidek, topshirish - qabul qilish dalolatnomasini va xisobot xujjatlari bajarilgan ishlarni 5 kun mobaynida qabul qilish majburiyatini oladi va Loyihachiga imzolangan, yoki asosli e'tiroz bildirilgan topshirish-qabul qilish dalolatnomasini jo'natadi.

6.5. Bajarilgan ishlarni topshirish-qabul qilish davomida buyurtmachining asosli e'tirozi bo'lsa, kamchiliklarning ro'yxati va ularni bartaraf etishning aniq muddatini belgilovchi ikki tomonlama dalolatnoma tuziladi.

6.6. Agar ishlarni bajarish jarayonida, keyinchalik uni davom ettirish maqsadga muvofiq emasligi ma'lum bo'lib qolsa, tomonlar 5 kun mobaynida bir-birlarini ishlar to'xtatilganligi haqida xabardor qilishlari shart va 10 kun mobaynida ishlarni davom ettirish uchun maqsadga muvofiq bo'lgan yo'nalishlarini oydinlashtiruvchi masalalarni ko'rib chiqishlari kerak. Ishlar to'xtatilgan hollarda tomonlar uchun O'zbekiston Respublikasi qonunchiligida ko'zda tutilgan majburiyatlar yuklanadi.

6.7. O'zaro xisob-kitoblarni qilishning muddati kelganligi, tomonlarning biri mazkur Shartnomadagi ishlarni to'xtatish haqidagi yozma xabarnoma bergan sanadan xisoblanadi.

6.8. Bajarilgan ishlar (bosqichlar)da kamchilik va nuqsonlar aniqlanganda Loyihachi ularni beg'araz bartaraf etadi.

6.9. Agar Loyihachi o'tgan bosqich uchun xisobot bermasa, keyingi bosqich uchun moliyalashtirish ishlari bajarilmaydi.

7. Tarafdarning javobgarligi.

7.1. Loyihachi LQI xujjatlaridagi kamchiliklar uchun, shu jumladan keyinchalik qurilish jarayonida, shuningdek tayyorlangan LQI xujjatlari ma'lumotlari asosida barpo etilgan ob'ektdan foydalanish jarayonida aniqlangan kamchiliklar uchun javobgardir va kamchiliklarni bartaraf qilish uchun qilingan xarajatlarni qoplaydi.

7.2. LQI xujjatlarida kamchiliklar aniqlangan taqdirda Loyihachi Buyurtmachining talabi bilan LQI xujjatlarini bepul qayta ishlab chiqishi va buning oqibatida keltirilgan zararni to'lashi shart.

7.3. Penyaning to'langanligi va zararining qoplanganligi tarafdarni o'z majburiyatlarini bajarish yoki kamchiliklarni bartaraf etishdan ozod etmaydi.

7.4. Mazkur Shartnomada ishlarni bajarish grafigidagi majburiyatlarni buzganligi uchun ko'rsatilgan o'z majburiyatlariga rioya qilmaganligi va Shartnomada belgilangan boshqa majburiyatlarni buzganligi uchun «Loyihachi» «Buyurtmachi»ga kechiktirilgan har bir kun uchun majburiyatlarning bajarilmagan qismining 0,5 foizi miqdorida penya to'laydi, bunda penyaning umumiy summasi bajarilmagan ishlar yoki ko'rsatilmagan xizmatlar qiymatining 50 foizidan oshmasligi lozim.

7.5. Mazkur Shartnoma bilan nazarda tutilmagan tarafdarning javobgarligi O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonun xujjatlariga muvofiq belgilanadi.

8. Bartaraf etib bo'lmaydigan kuch holati (fors - major).

8.1. Agar tomonlar majburiyatlarining qisman yoki to'la ijro etilmay qolishi tabiiy xodisalar, xarbiy xarakterli va boshqa bartaraf etib bo'lmaydigan boshqa kuchlar sababli sodir bo'lgan bo'lsa, xamda bu xolat mazkur Shartnoma ijrosiga bevosita ta'sir ko'rsatgan bo'lsa, tomonlar mazkur Shartnoma bo'yicha majburiyatlarining qisman yoki to'la ijro etilmay qolgan uchun javobgarlikdan ozod bo'ladi.

Mazkur Shartnoma bo'yicha majburiyatlarining ijro muddati bartaraf etib bo'lmaydigan vaziyat, shuningdek shu vaziyat keltirib chiqargan oqibat xukm surgan vaqtga mos ravishda orqaga suriladi.

8.2. Agar bartaraf etib bo'lmaydigan kuch vaziyati yoki uning oqibatlari 3 oydan ortiq vaqtga cho'ziladigan bo'lsa, Loyihachi va Buyurtmachi ishlarni davom ettirish yoki noma'lum vaqtga to'xtatish uchun chora-tadbirlar ko'rishni muxokama qiladilar. Agar tomonlar ikki oy mobaynida bir to'xtatma kela olmasalar, tomonlarning xar qaysisi Shartnomani bekor qilinishini talab qilishga haqlidir.

9. Qo'shimcha shartlar

9.1. Buyurtmachi 1.1 - badda ko'rsatilgan ob'ektdan tashqari, Loyihachi tomonidan taqdim etilgan bajarilgan ish natijalaridan foydalanishga xaqli emas, Loyihachidan olingan birlamchi ma'lumotlardan boshqa maqsadlar uchun foydalanish xuquqiga ega emas.

10. Shartnomaning amal qilish muddati va shartlari

10.1. Shartnoma imzolangan kundan boshlab kuchga kiradi va uning shartlari to'liq bajarilguncha o'z kuchida qoladi.

10.2. Shartnomaning muddati tugashiga qaramay, tomonlar javobgarlikdan ozod etilmaydi.

10.3. Shartnomaning amal qilish muddati 2022 yil 31 dekabr.

11. Baxslarni hal etish tartibi

11.1. Shartnomani tuzish, ijro etish, o'zgartirish va bekor qilish, shuningdek keltirilgan zararni qoplash chog'ida tomonlar o'rtasida vujudga keladigan baxslar o'zora muxokama qilinib kelishuvga erishish imkoniyati bo'lmagan taqdirda, qonunchilikda belgilangan tartibda iqtisodiy sudi tomonidan ko'rib chiqiladi.

12. Shartnomani o'zgartirish va unga qo'shimchalar kiritish tartibi va bekor qilish tartibi.

12.1. Ushbu Shartnomaga xar kanday o'zgartirish va qo'shimchalar ular yozma ravishda rasmiylashtirilgan va tarafdarning vakolati shaxslari tomonidan imzolangan taqdirda xaqiqiy xisoblanadi.

12.2. Shartnomani muddatidan oldin bekor qilishga tarafdarning kelishuviga ko'ra, etkazilgan zararni qoplash sharti bilan yo'l qo'yiladi.

12.3. Loyihachining aybi bilan ishlarning borishi to'xtab qolsa va ishlarning tugatilishi Shartnomada belgilangan muddatdan bir oydan oshiq muddatga kechiktirilsa, berilgan topshiriqda nazarda tutilgan ishlar sifati mavjud talablarga javob bermasa, Buyurtmachi Shartnomani bekor qilishga xaqli.

12.4. Loyihachiga bog'liq bo'lmagan sabablarga ko'ra Loyiha ishlari Buyurtmachi tomonidan bir oydan oshiq muddatga to'xtatilsa, Buyurtmachi Loyihalash ishlarining xaqini to'lash imkoniyatiga ega bo'lmasa, Loyihachi Shartnomani bekor qilishga xaqli.

12.5. Shartnomani bekor qilish haqida qarorga kelgan tomon ikkinchi tomonga 10 kun oldin yozma bildirishnoma yuboradi, ikkinchi tomon 10 kungacha e'tiroz bildirmasa Shartnoma bekor qilingan xisoblanadi.

12.6. Mazkur Shartnoma bil xil yuridik kuchga ega bo'lgan 2 nusxada tuziladi.

13. Tomonlarning rekvizitlari:

Buyurtmachi:

Loyihachi:

Xorazm viloyat hokimligi «Yagona buyurtmachi xizmati» injiniring kompaniyasi

«MUBORAK DIANA SERVIS» XK

Urganch sh. Al-Xorazmiy k.23-a

Telefon 223-09-29, 223-09-38

sh/hr 100021860334017898805075008

STIR 204821497, OKONX 69000

Moliya vazirligi g'aznachiligi

G'azna x/v: 23402000300100001010

Markaziy bank Toshkent shaxar XKKM

MFO 00014 STIR 201 122 919

Direktor:  SH.Otaev

Bosh yuriskonsult:  SH.Djumaniyazov

Urganch sh. Firvadsiy ko'chasi 16 pr 1 uy

Telefon: +99890-319-88-44

x/r 2020 8000 904 551 130 001

STIR 300 028 557

OKONX 66000

Xalq banki Urganch sh fil

MFO 00808

Direktor:  M.Akimova





Tuproqqal'a tuman ixtisoslashtirilgan maktabi (5-son umumiy o'rta ta'lim maktabini rekonstruksiya qilish)
ob'ekti bo'yicha Loyiha-qidiruv ishlarini bajarish

GRAFIGI

№	Ob'ekt nomi va manzili	Ishlar turi	Ishlar qiymati jami, ming so'm	shu jumladan 2022-yil	
				Iyul	-
1	2	3	4	5	-
1	Tuproqqal'a tuman ixtisoslashtirilgan maktabi (5-son umumiy o'rta ta'lim maktabini rekonstruksiya qilish)	Loyiha-qidiruv ishlari QQS bilan	21700,0	21700,0	-
	JAMI		21700,0	21700,0	-



Buyurtmachi



Loyihachi

BUYURTMACHI - Xorazm viloyat hokimligining «Yagona buyurtmachi xizmati» injiniring kompaniyasi bilan Loyihachi - «MUBORAK DIANA SERVIS» XK o'rtasida Tuproqqal'a tuman ixtisoslashtirilgan maktabi (5-son umumiy o'rta ta'lim maktabini rekonstruksiya qilish) ob'ektiga Loyiha-qidiruv ishlari ishlab chiqish yuritishga doir Shartnoma loyihasi yuzasidan kompaniya Bosh yuriskonsulti SH.Djumaniyazov tomonidan O'zbekiston Respublikasi «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining Shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida»gi qonunining 21-moddasi talablaridan kelib chiqib

XULOSA

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi, «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining Shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida»gi qonuni, va boshqa qonun xujjatlariga muvofiq tayyorlangan. Shartnoma Loyihasining shartlari, xususan Shartnoma mavzusi, taraflarning xuquqlari va majburiyatlari, hisob-kitoblar tartibi, taraflarning javobgarligi, nizolarni xal etish tartibi, fors-major xolatlar va javobgarlikdan ozod etish masalalari qonun xujjatlari talablariga mos keladi.

Bosh yuriskonsult SH.Djumaniyazov
2022 yil

ISHLARNI BAJARISH QIYMATINI ANIQLASH
VA KELISHISH DALOLATNOMASI

Urganch shahri

2022 yil «07» iyul

«Buyurtmachi» Xorazm viloyati hokimligi «Yagona buyurtmachi xizmati» injiniring kompaniyasi nomidan Nizom asosida ish yurituvchi direktor SH.Otaev va «Loyihachi» - «MUBORAK DIANA SERVIS» XK nomidan Ustav asosida ish yurituvchi direktor M.Akimova o'rtasida Tuproqqal'a tuman ixtisoslashtirilgan maktabi (5-son umumiy o'rta ta'lim maktabini rekonstruksiya qilish) ob'ekti bo'yicha Loyiha-qidiruv ishlarini ishlab yuritish qiymatini kelishish to'g'risida ushbu dalolatnomani tuzdilar:

1. LQini ishlab chiqarish qiymatini aniqlash va kelishish:

Ob'ektning QMI smeta baxosi QQS - 2 697 000,0 ming.so'm;
Loyiha-qidiruv ishlari qiymatini aniqlash to'g'risidagi Nizomning 4-ilovasi 5-ustuniga asosan ishchi Loyihani ishlab chiqish qiymati darajasi - 3,5%;
kamaytirish qiymati (kelishilgan) - 0,8;
nizomni 2-chi ilovasi 4-chi qatoriga asosan qiymati (kupaytirish) - 1,0;
Xisoblangan qiymat $2\,697\,000,0 \times 3,5\% \times 0,8 \times 1,0 = 75\,516,0$ ming.so'm;
Kelishilgan qiymat QQS bilan - 21 700,0 ming.so'm.

Ushbu qiymat shartnoma tuzish va xisob kitob qilish uchun aniqlandi va kelishildi.





ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2022 yil « 14 » апрель

№ ПФ–106

Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш тўғрисида

Ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этишга ягона ёндашувни шакллантириш, ушбу мактаблар тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда таълим жараёнига малакали раҳбар ва педагог кадрларни жалб қилиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Президент таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик), Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) Агентлик тизимида:

2022 йил 1 сентябрга қадар вазирлик, идора ва ташкилотлар тасарруфида бўлган таълим муассасалари негизида **19 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни** ҳамда **141 та ихтисослаштирилган мактабларни** 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

2023 йил 1 июнга қадар Халқ таълими вазирлиги тасарруфида бўлган ва фаолияти тугатилган Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари негизида **5 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни** ҳамда **3 та ихтисослаштирилган мактабларни** 3-иловага мувофиқ ташкил этиш;

б) 2022–2024 йилларда Агентлик тизимида **25 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни** 4-иловага мувофиқ қуриш;

в) **2022/2023 ўқув йилидан** бошлаб Халқ таълими вазирлиги тизимидаги айрим фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар негизида **айрим фанлар чуқур ўқитиладиган синфлари мавжуд умумий ўрта таълим мактабларини** ташкил этиш;

г) келгусида янги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактабларни **фақат Агентлик тизимида ташкил этиш.**

Масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар **бир ой муддатда** мазкур Фармоннинг 1–3-иловаларида кўрсатилган таълим ташкилотларининг мол-мулки, бино ва иншоотларини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Агентлик тизимида ўтказиш чораларини кўрсин.

Вазирлар Маҳкамасига зарур ҳолларда, мазкур Фармоннинг 1–4-иловаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари таклифига асосан Агентлик тизимида ташкил этиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактаблар сонини ошириш ҳуқуқи берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари **2023 йил 1 январга** қадар Агентлик тизимида ўтказилаётган Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларини таъмирлаш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва улар ҳудудида янги ўқув биноларини қуриш ишларини тугатсин.

2. Белгилансинки:

Агентлик тизимидаги **мавжуд ихтисослаштирилган мактаблар** ўз фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Фармонга мувофиқ ташкил этиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактабларга (кейинги ўринларда – Агентлик мактаблари) **методик ёрдам** кўрсатувчи **таянч мактаб** сифатида бириктирилади;

Агентлик мактабларига **қабул параметрлари** бир синфда ўқувчиларнинг энг кўп сони **24 нафардан ошмаслигини** ҳисобга олган ҳолда Агентлик томонидан белгиланади;

2022/2023 ўқув йилида Агентлик мактабларининг аниқ фанлар йўналишига қабул **5–11-синфларга**, табиий фанлар йўналишига **7–11-синфларга**, кейинги ўқув йилларида тегишинча **5- ва 7-синфларга** амалга оширилади;

Агентлик мактабларига ўқувчиларни қабул қилиш аниқ ва табиий фанлар, хорижий тиллар ҳамда мантиқий фикрлаш бўйича ўтказиладиган кириш имтиҳонлари натижаларига кўра амалга оширилади;

кириш имтиҳонлари Агентлик ҳузуридаги Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази томонидан халқаро ташкилотлар ҳамда Давлат тест маркази билан ҳамкорликда ўтказилади;

рўйхати Агентлик томонидан тасдиқланадиган **халқаро, минтақавий ёки асосий фан олимпиадаларининг учинчи (вилоят) босқичида ғолиб бўлган (1, 2, 3-ўрин)** умумий ўрта, ўрта махсус ва бошланғич профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари ўзи таълим оладиган ҳудудида жойлашган Агентлик мактабларига умумий қабул параметрлари доирасида кириш имтиҳонсиз ўқишга қабул қилинади;

Агентлик мактабларининг таълим жараёни Агентлик томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва таълим дастурлари асосида амалга оширилади;

Агентлик мактабларида аниқ ва табиий фанлар билан бир қаторда **Ўзбекистон тарихи фани** чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади;

ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларга кейинчалик ўқишини давом эттириш учун олий таълим муассасаларини танлашда кўмаклашиш мақсадида Агентлик мактаблари директорининг ихтисослик фанлари бўйича ўринбосари лавозими ўрнига **“Мактаб маслаҳатчиси” лавозими жорий этилади;**

Агентлик тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ўқувчилар учун аутсорсинг асосида **бепул соғлом овқатланиш** ташкил этилади;

Агентлик мактабларига раҳбар ва педагог кадрларни ишга қабул қилиш **уч босқичли танлов** (саралаш босқичи, тест синови ва суҳбат) асосида амалга оширилади;

Агентлик мактабларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ходимлар иш ҳақи фондининг **100 фоизи** миқдорида рағбатлантириш жамғармаси шакллантирилади.

3. Агентлик (Х.Умарова) 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Агентлик мактабларида:

Ўқув жараёни халқаро таълим дастурлари асосида тайёрланган замонавий дарсликлар асосида олиб борилишини таъминласин;

Ўқувчилар хорижий тилларни мукаммал ўзлаштириши учун зарур шарт-шароит ва таълим муҳитини яратсин, мазкур жараёнга хорижий ҳамда маҳаллий педагог кадрларни жалб қилсин;

сунъий интеллект, робототехника, агротехнология, нанотехнология, биотехнология, IELTS, TOEFL ва SAT бўйича қўшимча курслар ташкил этсин;

Ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, асосий ўқув дастурлари билан биргаликда **синфдан ташқари касбга йўналтирилган амалий машғулотлар** ўтказилишини йўлга қўйсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 10- ва 11-синф ўқувчиларига яқин ҳудудларда жойлашган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида амалий машғулотлар ўтказиш тартибини жорий этсин;

таълим ва тарбия жараёнларига ватанпарварлик руҳи, миллий ғурур ва ифтихор, ўз халқига муҳаббат ва садоқат, Ўзбекистон тарихи, илмий-ижодий ҳамда маънавий-маърифий меросга ҳурмат, ўзликни англаш, меҳнатсеварлик ва масъулиятлилик, қатъият ва шижоатлилик ғоялари сингдирилишига алоҳида эътибор қаратсин;

Ўқувчиларни Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ва ёшларга яратилаётган шарт-шароитларни чуқур англайдиган, ҳар жиҳатдан рақобатбардош, кенг дунёқараш, мустақил фикр ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган шахс сифатида тарбиялаш учун таъсирчан педагогик технологиялардан фойдаланиш чораларини кўрсин.

4. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** Агентлик тизимида ўтказилган умумий ўрта таълим муассасаларининг саралаш имтиҳонларидан ўта олмаган ўқувчиларини халқ таълими тизимидаги бошқа умумий ўрта таълим мактабларига жойлаштириш ҳамда танловдан ўта олмаган раҳбар ва педагог кадрларни иш билан таъминлаш чораларини кўрсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Агентлик мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, замонавий мебель ва жиҳозлар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ахборот-коммуникация технологиялари, мультимедиа ҳамда видео-кузатув воситалари билан таъминлаш – Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида ажратиладиган маблағлар, Давлат бюджети маблағлари, Агентлик ҳузуридаги Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқаро молия институтларининг кредитлари ва грантлари, ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев), Агентлик (Х.Умарова), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) мазкур Фармоннинг 4-илоvasида кўрсатилган Агентлик мактабларининг 2023–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **2022 йил 1 августга қадар** мазкур Фармоннинг 1–2-иловаларида кўрсатилган Агентлик мактабларини таъмирлаш, замонавий ўқув қуроллари, ахборот-коммуникация технологиялари, мебель ва ўқув-лабораториялар билан жиҳозлаш чораларини кўрсин, ўқувчиларга яшаш ва овқатланиш учун зарур шароитларни яратсин.

6. Агентлик ҳузуридаги Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази **Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази** (кейинги ўринларда – Марказ) этиб қайта номлансин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Агентлик тизимидаги таълим муассасалари учун давлат таълим стандарти, ўқув режалари, таълим дастурлари ва дарслик мажмуаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни харид қилиш;

Агентлик тизимидаги таълим муассасалари битирувчиларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш;

таълим соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва мамлакатимизда жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, ўқитувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш ва сертификатлашни хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда амалга ошириш;

раҳбар ва педагог кадрларни ўзлуксиз касбий ривожлантириш, уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда малака ошириш курсларини ташкил этиш;

Агентлик тизимидаги таълим муассасаларини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш.

7. Агентлик ҳузуридаги Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик (Х.Умарова) **бир ой муддатда** Марказ низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Марказга мулк шаклидан қатъи назар умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари педагог кадрларининг **билим даражаси ҳамда касбий маҳоратини баҳолашга рухсат** этилсин.

Белгилансинки:

а) Марказ томонидан педагог кадрларнинг билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш барча талабгорлар учун **шартнома асосида амалга оширилади;**

б) Марказ томонидан педагог кадрларнинг билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш натижаси бўйича 2 йил муддат давомида амал қилувчи **“Илғор ўқитувчи”, “Устоз ўқитувчи” ҳамда “Профессионал ўқитувчи” даражали сертификатлар** берилади;

в) Агентлик тизимидаги таълим муассасаларининг халқаро миқёсда тан олинadиган **“Илғор ўқитувчи”, “Устоз ўқитувчи”** ёки **“Профессионал ўқитувчи”** даражали сертификатни олган педагог кадрларига қўйидаги миқдорда қўшимча ҳақ тўланади:

“Илғор ўқитувчи” даражали сертификатни олган педагог кадрларга уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик **50 фоиз** миқдорида;

“Устоз ўқитувчи” даражали сертификатни олган педагог кадрларга уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик **70 фоиз** миқдорида;

“Профессионал ўқитувчи” даражали сертификатни олган педагог кадрларга уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик **100 фоиз** миқдорида;

г) Агентлик тизимидаги таълим муассасаларига “Илфoр ўқитувчи”, “Устоз ўқитувчи” ёки “Профессионал ўқитувчи” даражали сертификатни олган педагог кадрларни уларнинг малака тоифасидан қатъи назар **ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилади;**

д) Марказ Молия вазирлиги ғазначилик бўлимида шахсий ғазна ҳисоб рақамига эга бўлади ва унинг фаолияти Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

е) Марказнинг маъмурий-бошқарув ходимлари, профессор-ўқитувчилари ҳамда методистларига Давлат тест марказининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

ж) Марказга унга юклатилган вазифаларни бажариш учун таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи халқаро ташкилотлар билан махсус ахборот порталига эълон жойлаштирмасдан энг мақбул таклифлар танлови орқали тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқи берилади.

9. Агентлик (Х.Умарова):

а) раҳбар ва педагог кадрлар билим даражаси ҳамда касбий маҳоратини баҳолаш жараёнига таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи нуфузли халқаро ташкилотларни жалб қилсин;

б) Марказда таълим ташкилотларининг раҳбар ва педагог кадрлари учун **узлуксиз малака ошириш курслари ҳамда методологик ўқув семинарларни** ташкил қилсин;

в) **2022 йил 1 октябрга** қадар Агентлик тизимидаги таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини ўқитиш ҳамда уларнинг билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш чораларини кўрсин;

г) **2022 йил 1 сентябрга** қадар иқтидорли болалар билан ишлашнинг **“Мактаб – Университет – Марказ”** яхлит узлуксиз таълим тизимини жорий қилсин ва мазкур тизим доирасида:

Агентлик тизимидаги таълим муассасаларининг давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва таълим дастурлари ўзаро узвий боғланган ҳолда ишлаб чиқирилишини;

“Янги Ўзбекистон” университети ва Марказ томонидан Агентлик тизимидаги мактабларда маҳорат дарслари, тўғараклар ва ёзги мактаблар ташкил этилишини;

“Янги Ўзбекистон” университети ва Марказнинг профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари Агентлик тизимидаги мактабларнинг таълим жараёнига кенг жалб қилинишини;

Агентлик тизимидаги мактабларнинг ўқитувчилари “Янги Ўзбекистон” университети ва Марказга стажировка ўташга жалб қилинишини;

Марказ томонидан фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказишда ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишда Агентлик тизимидаги таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларининг фаол иштирокини таъминласин.

Агентликка заруратга қараб бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Марказнинг ҳудудий филиалларини очишга рухсат этилсин.

10. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари Агентлик билан биргаликда ваколатхоналарга бириктирилган ҳудудларда жойлашган Агентлик тизимидаги таълим муассасаларига хорижий илғор тажрибаларни жорий этиш мақсадида:

Агентлик тизимидаги таълим муассасаларига халқаро таълим дастурлари бўйича малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда таълим жараёнини такомиллаштириш;

ўқитувчилар ва ўқувчиларни тажриба алмашиш дастурлари бўйича хорижий таълим муассасаларига юбориш;

нуфузли халқаро олий таълим муассасалари грант дастурлари асосида битирувчиларнинг таълим олишига кўмаклашиш;

ривожланган давлатлар билан таълим ва илм-фанни такомиллаштириш борасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

дунё миқёсида тан олинган, ахборот-коммуникация технологиялари, тиббиёт, экология, муҳандислик ва бошқа соҳалардаги етакчи ташкилотлар билан Агентлик тизимидаги таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш;

Агентлик тизимидаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган маҳаллий мутахассисларнинг хорижий илғор таълим муассасаларида малака ошириши ва стажировка ўташини ташкил этиш;

ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг халқаро конференциялар, анжуманлар, фан олимпиадалари, танловлар, ихтисосликка оид кўргазмаларда иштирок этишига кўмаклашиш;

Агентлик тизимидаги таълим муассасалари кутубхоналарини етакчи хорижий ахборот-кутубхона ресурслари фондларига улаш, уларни хорижий адабиётлар билан бойитиб бориш, ўқитувчилар ва ўқувчиларга ушбу кутубхона ресурсларидан кенг фойдаланиш учун имконият яратиш чораларини кўрсин.

11. Агентлик тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича “йўл харитаси” б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик (Х.Умарова) бошқа вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда “йўл харитаси”да назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминласин.

12. Агентликнинг:

Агентлик марказий аппарати тузилмасида соғлом овқатланишни ташкил этиш шўъбаси, ички аудит хизмати, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактаблар билан ишлаш бўлимини очиш ва Агентликнинг умумий чекланган штат бирликлари сонини 80 нафар этиб белгилаш;

Агентлик ташкилий тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлган ва ҳар бири 4 та штат бирлигидан иборат 13 та ҳудудий бўлимларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

